



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G'I

2021 yil "09" 06

№ 214-Ж

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда мавжуд вакант лавозимларга ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш тартибини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларга юқори малакали кадрларни жалб қилиш, ишга қабул қилиш жараёнида шаффофликни таъминлаш, илғор халқаро стандартларга мувофиқ маҳсус электрон дастур асосида талабгор фуқаролар ва тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг барчасига тенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда саралаб олиш тартибини жорий этиш мақсадида буюраман:

1. 2021 йил 21 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тасдиқланган соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар, тизимдаги ташкилотлардаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш танлов асосида саралаб олиш тўғрисидаги Тартиб маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратида мавжуд вакант лавозимларга ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман тиббиёт бирлашмалари вакант лавозимларига ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати ходимлари, вилоят бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарлари ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари лавозимлари учун малака талаблари 3-4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кадрлар бошқармаси (М.Саламов) 2021 йил 21 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тасдиқланган соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар, тизимдаги ташкилотлардаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш танлов асосида саралаб олиш тўғрисидаги Тартибга қатъий риоя этган ҳолда вакант лавозимлар тўлдириб борилишини таъминласин.

4. Хўжалик ишлари бўйими (К.Азимов) танлов ўтказиш бўйича тест синови ва суҳбат босқичларини самарали ташкил этиш мақсадида алоҳида хона ажратилишини ҳамда жиҳозланишини таъминласин.

5. Матбуот хизмати (Ф.Санаев), “IT-MED” МЧЖ (А.Ибрагимов):

Вакант лавозимлар ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш, тест синовлари ва суҳбат босқичи жараёнларини вазирликнинг расмий сайти ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борилишини;

суҳбат босқичини интернет тармоғида онлайн трансляция қилиб борилишини таъминласин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 2 апрелдаги 107-к-сонли буйруғи 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ташкилий тузилмадаги барча ташкилотлар раҳбарлари:

ўзлари қабул қилган тегишли ҳужжатларни **3 кун муддатда** мазкур буйруққа мувофиқлаштирсинг;

ходимларни ишга қабул қилиш бўйича танловларни тасдиқланган Тартибга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этсин.

8. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

А.Хаджибаев

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2021 йил “09” 06
214-K сонли буйруғига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вилоят соғлиқни
сақлаш бошқармаси ва туман тиббиёт бирлашмалари вакант
лавозимларига ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга
ўтказишда танлов асосида саралаб олиш комиссиясининг
Таркиби**

Комиссия раиси

Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринbosари

Комиссия раиси ўринbosари

вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси
бошлиғи

Комиссия аъзолари:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокими
ўринbosарлари
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринbosари (тегишилиги
бўйича);

Вакант лавозим бўйича танлов эълон қилинган таркибий тузилма раҳбари;

Кадрлар бўйича бош мутахассис;

Бош юрисконсульт;

Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати бўлим бошлиғи;

Касаба уюшмаси раиси

Масъул котиб:

Изоҳ: Заруратга кўра, вакант лавозимларинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, давлат органлари ёки ташкилотларининг бошқа мансабдор шахслари ҳам танлов комиссияси таркибига киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2021 йил “09” 06
214-Ж сонли буйруғига 4-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари ва раҳбар ўринбосарлари ҳамда (туман, шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиқлари
МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

№	Лавозим номи	Лавозим учун қўйиладиган талаблар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи	<p>Олий маълумотга эга бўлиши (<i>тиббиёт йўналишида</i>) (илмий даража ёки илмий унвонга эга шахсларга афзалликлар берилади);</p> <p>соҳада (даволаш-профилактика муассасаларида) камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши, шундан камида 2 или раҳбарлик лавозимида ишлаган бўлиши;</p> <p>давлат тилини мукаммал билиш (хорижий тилларни билиш, IELTS, TOEFL IBT каби сертификатларга эгалик устунлик беради)</p> <p>компьютер саводхонлигига эга бўлиши, MS Office бўйича амалий билимларга эга бўлиши;</p> <p>аҳолига стационар ва амбулатор бирламчи тиббий-санитария ёрдами, тез тиббий, шошилинч ёрдам хизматларини ташкил этиш ҳамда тиббий ёрдамнинг диагностика ва даволаш стандартларини ишлаб чиқиш, ушбу хизматларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш салоҳиятига эга бўлиши;</p> <p>вилоят миқёсидаги даволаш-профилактика муассасалари учун дори воситалари ва тиббий буюмлар йиллик эктиёжини ва буюртмасини тузиш, маълумотлар тўғрилигини таҳлил қилиш ҳамда дори воситалари ва тиббиёт бумларининг давлат харидини ташкил этилиши юзасидан таклифлар киритиш салоҳиятига эга бўлиши;</p> <p>Соғлиқни сақлаш йўналишларидағи ислоҳотлар борасида мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаши;</p> <p>даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бўйича норматив-хукуқий хужжатлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши зарур.</p>
2.	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси	<p>Олий маълумотга эга бўлиши (<i>тиббиёт йўналишида</i>) (илмий даража ёки илмий унвонга эга шахсларга афзалликлар берилади);</p> <p>соҳада (даволаш-профилактика муассасаларида) камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши, шундан камида 2 или раҳбарлик лавозимида ишлаган бўлиши;</p>

	бошлигининг Тиббий ёрдамни ташкиллаштириш бўйича биринчи ўринbosари	<p>давлат тилини мукаммал билиш (ҳорижий тилларни билиш, IELTS, TOEFL IBT каби сертификатларга эгалик устунлик беради)</p> <p>компьютер саводхонлигига эга бўлиши, MS Office бўйича амалий билимларга эга бўлиши;</p> <p>аҳолига амбулатор ва стационар бирламчи тиббий-санитария ёрдами, тез тиббий, шошилинч ёрдам хизматларини ташкил этиш ҳамда тиббий ёрдамнинг диагностика ва даволаш стандартларини ишлаб чиқиш, ушбу хизматларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш салоҳиятига эга бўлиши;</p> <p>даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бўйича ҳукумат қарорлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва улар билан ишлаш кўникмага эга бўлиши зарур.</p>
3.	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлигининг оналик ва болаларга тиббий ёрдамни ташкиллаштириш бўйича ўринbosари	<p>Олий маълумотга эга бўлиши (тиббиёт йўналишида) (илмий даражада ёки илмий унвонга эга шахсларга афзалликлар берилади);</p> <p>соҳада (даволаш-профилактика муассасаларида) камидা 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши, шундан камида 2 йили раҳбарлик лавозимида ишлаган бўлиши;</p> <p>давлат тилини мукаммал билиш (ҳорижий тилларни билиш, IELTS, TOEFL IBT каби сертификатларга эгалик устунлик беради)</p> <p>компьютер саводхонлигига эга бўлиши, MS Office бўйича амалий билимларга эга бўлиши;</p> <p>Оналик ва болаликни муҳофаза килиш борасида мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини чукур англаши;</p> <p>аҳолисининг репродуктив саломатлиги, оналар ҳамда болалар саломатлиги ҳамда ўлим ҳолатини таҳлил қилиш, аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказишини ташкиллаштириш, тугма ва ирсий касалликларнинг юзага келиш сабабаларин уларни олдини олиш ва профилактикаси бўйича чора – тадбирлар норматив-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиша тажрибага эга бўлиши зарур</p>
4.	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлигининг рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик бўйича ўринbosари	<p>Олий маълумотга эга бўлиши (илмий даражада ёки илмий унвонга эга шахсларга афзалликлар берилади);</p> <p>Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етарли тажрибага эга бўлиши, камидা 2 йил раҳбарлик лавозимларида ишлаган бўлиши;</p> <p>давлат тилини мукаммал билиш (ҳорижий тилларни билиш, IELTS, TOEFL IBT каби сертификатларга эгалик устунлик беради);</p> <p>аҳолига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, тиббиёт ва ўкув муассасаларининг ер майдонлари, бино ва иншоатлари ҳамда бошқа шаклдаги мулкий обьектларни ижарага беришни мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар киритиш салоҳиятига эга бўлиши;</p> <p>давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш тажрибасининг мавжудлиги (устунлик беради);</p>

		<p>молиявий ресурсларни түгри йўналтириб, мақсадли сарфланишини;</p> <p>соғлиқни сақлаш йўналишларидағи ислоҳотлар борасида мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини англаши;</p> <p>ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, давлат-хусусий шериклик ҳамда молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар билан ишлаш кўрикмасига эга бўлиши зарур.</p>
5.	Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари бошлиғи	<p>Олий маълумотга эга бўлиши (илмий даража ёки илмий унвонга эга шахсларга афзалликлар берилади);</p> <p>соҳада (даволаш-профилактика муассасаларида) камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;</p> <p>давлат тилини мукаммал билиш (хорижий тилларни билиш, IELTS, TOEFL IBT каби сертификатларга эгалик устунлик беради)</p> <p>компьютер саводхонлигига эга бўлиши, MS Office бўйича амалий билимларга эга бўлиши;</p> <p>туман (шаҳар) аҳолисига амбулатор ва стационар бирламчи тиббий-санитария ёрдами, тез тиббий, шошилинч ёрдам хизматларини ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда тиббий ёрдамнинг диагностика ва даволаш стандартларини ишлаб чиқиш, ушбу хизматларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш салоҳиятига эга бўлиши;</p> <p>туман (шаҳар) миқиёсидаги даволаш-профилактика муассасалари учун дори воситалари ва тиббий буюмлар йиллик эҳтиёжини ва буюртмасини тузиш, маълумотлар тўғрилигини таҳлил қилиш ҳамда дори воситалари ва тиббиёт бумларининг давлат харидини ташкил этилиши юзасидан таклифлар киритиш салоҳиятига эга бўлиши;</p> <p>Соғлиқни сақлаш йўналишидаги ислоҳотлари борасида мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаши;</p> <p>даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар билан ишлаш кўникмасига эга бўлиши.</p>